

ТАЪЛИМ СИФАТИ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУНИ МОХИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Ибадуллаев Қахрамон Мадаминович

Физика-математика фанлари номзоди

Чирчиқ давлат педагогика институти

Мактабгача таълим факультети декани

Аннотация

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ҳамда айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Таянч сўзлар: таълим сифати, назорат, таълим жараёнини ташкил қилиш, илғор технологиялар.

THE SIGNIFICANCE AND IMPORTANCE OF THE CONTENT OF THE ESTABLISHMENT OF EDUCATIONAL QUALITY CONTROL

Ibadullayev Kakhramon Madaminovich

Candidate of Physical and Mathematical Sciences

Dean of the Faculty of Preschool Education

Chirchik State Pedagogical Institute

Annotation

The complete abandonment of the command-and-control system in the economy, the gradual implementation of market reforms, as well as an in-depth analysis of the development path of our country, the sharp changes in the world market today and competition in the context of globalization. Increasingly, it requires the development and implementation of a completely new approach and principles for the more stable and rapid development of our country. It shows the need to further increase the effectiveness of reforms, create conditions for the comprehensive and rapid development of the state and society, modernize the country and implement priorities for the liberalization of all spheres of life.

Keywords: quality of education, control, organization of educational process, advanced technologies.

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш таълим тизимини тубдан ислох қилиш ва модернизация жараёнларини чуқурлаштириш илғор технологиялар, инновацияларни таълим ва тарбия жараёнларига тадбиқ этишни кун тартибига қўймоқда.

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган олий таълим муассасаларида таълим сифатини назорат қилишни ташкил этиш энг аввало таълим ва тарбия жараёнларини бошқарадиган ваколатли давлат органлари зиммасига бир қатор маъсулият юклайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Таълим тў-рисида”ги қонунини 4-бўлимида таълим тизимини бошқариш масалаларига яъни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари; Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доираси; Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари; Таълим муассасасини бошқариш; Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Қонуннинг 25-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдори ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Қонуннинг 26-моддасида таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доираси:

Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доираси:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
- ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
- ўқув ва ўқув-услугият адабиётларини нашр этишни ташкил қилиш;
- таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
- педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Қонуннинг 27-моддасида Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари:

- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:
- таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайди;
- таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар, (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга олади;
- ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларни белгилайди;
- таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайди;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши белгилаб берилган.

Ҳозирги давр олий таълим тизимига ва олий таълим муассасаларига янги талаблар қўймоқда, уни меҳнат бозорида талаб этиладиган рақобатбардош дипломли мутахассислар тайёрлашга йўналтирмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда таълим тизимини модернизация қилишни, жаҳон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашнинг илмий-амалий асосларини яратишни назарда тутди. Бунда юқори малакали кадрлар тайёрлаш кўп босқичли тизими, узлуксиз таълим, бутун таълим тизимини ривожлантиришга нисбатан инновацион ёндашув, олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим сифатининг халқаро стандартларига ўтиши устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Ҳозирги жамият ривожланишининг янги шароитлари олий таълим тизими олдига янги устувор вазифаларни қўймоқда. Ўз фикрлаш услубига ва қўйилган вазифаларни ечишга нисбатан ўзига хос ёндашувга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг бутунлай янги даражасини шакллантириш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Олий таълимни изчил ривожлантириш ва тизимли ислоҳ қилиш таълим халқаро стандартларига мувофиқликни таъминлашга қаратилган таълим жараёнларининг мазмуни ва уларни ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувларнинг қарор топтирилишини тақозо этади.

Таълим соҳасида изчил сиёсат, бир томондан, жаҳон таълим стандартларининг юксак даражасига эришишга қаратилган, иккинчи томондан эса – муайян ижтимоий-иқтисодий шароитларни, шунингдек, халқимизнинг маънавий-маданий қадриятлари ва ўзига хослигини ҳисобга олади. Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг кенг кўламлилиги, мазкур жараёнда давлат ўрни ва аҳамиятининг кенгайиши ва кучайиши таълим тизимини, шу жумладан, олий таълимни такомиллаштиришга нисбатан оқилона ёндашувларни топиш йўлидаги изланишларнинг аҳамиятини янада кучайтиради.

Давлатимизнинг ушбу соҳада шароитлар ва самарали ҳимоя механизмларини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлари халқаро миқёсда мустақил экспертлар («ИНСЕАД» тадқиқотлари) томонидан эътироф этилди. Тадқиқотларнинг натижалари таълим тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор кўрсаткичларга кўра Ўзбекистон жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан устун эканлигини намойиш этади. Хусусан, таҳлилий маълумотлар Ўзбекистоннинг мамлакат таълим соҳасини ривожлантириш, ушбу соҳага давлат харажатлари, капитал қурилиш ва мактабларни янгилаш харажатлари, ўқитувчилар сонининг ўқувчилар сони билан нисбати, аниқ фанлар ва муҳандислик иши соҳасида битирувчилар сони, GMAT (бизнес-мактабларда муваффақиятли ўқиш қобилиятларини аниқлаш учун стандартлаштирилган тест) бўйича ўқувчиларнинг ўртача баҳосига доир ва бошқа кўрсаткичлари жуда баланд эканидан далолат беради.

Истиқлол йилларида олий ўқув юртлари сони икки баравар кўпайди ва 78 тага етди, талабалар сони 230 мингдан ошди. Юртимизда Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртлари, хусусан Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодий университети, Инха университети (Жанубий Корея) филиаллари самарали фаолият кўрсатмоқда. Мазкур олий ўқув юртлари меҳнат бозорида талаб этилган машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисод ва бизнесни бошқариш, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи, ахборот коммуникация технологиялари сингари ихтисосликлар бўйича малакали бакалаврлар ва магистрлар тайёрлайди, уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломлар олади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларининг барчаси Ziyonet таълим портали ва Интернетга уланган.

Бу масофавий таълим усуллари, ўқувчи-ёшлар учун ахборот-коммуникация хизматларининг кенг мажмуини таълим жараёнига фаол жорий этиш имконини бермоқди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2017 йилдан бошлаб олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши, ва қабул квоталарини кўпайтирган ҳолда, энг яхши тайёргарлик кўрган абитуриентларни саралаб олиш имконини беришини таъкидлади.

Таълимни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнлари олий таълим тизимида айниқса яққол намоён бўлади. Бу ерда дарс бериш жараёнида янги технологиялар таълим сифатини ошириш мақсадида доимий равишда жорий этилади. Ўз-ўзидан равшанки, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни ва унда талабаларни баҳолаш ва назорат қилиш механизмларини янада кучайтириш мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг зарур омили ҳисобланади.

Сифатни таъминлаш тизими таълим олувчилар ва битирувчиларнинг жамият томонидан қўйилган ва ўқув юртлари бажаришга ҳаракат қиладиган талабларга мувофиқлигини таъминловчи омилдир.

Таълим сифати жамият талабларига мослик ва мослашувчанлик билан узвий боғлиқ, касб-хунар таълимининг сифат тизимини таъминлаш вазифаси эса уларни кафолатлашдан иборатдир.

Олий ўқув юртларида олий таълим халқаро тизимларининг ўзаро алоқасининг таъсирчан воситаси сифатида таълим модуль тизимининг жорий этилиши мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилди. Маълумки, таълим жараёнида модуль технологиялари аудиторияга ажратилган соат ҳажмини қисқартиришни, талаба мустақил ишининг аҳамияти ва мақомини оширишни назарда тутди.

Бундай технологиялар талабалар мустақил ишлашини фаоллаштириш, ўқув материални мазмунини бойитиш ва мустаҳкамлашга, янги касбий билимларни ўзлаштиришга, ижодий фаолият (креативлик) ва интерфаолликни ривожлантиришга, амалий кўникмаларни шакллантиришга кўмаклашади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолашда ваколатли давлат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш уларни маъсулиятини ошириш ва амалдаги аълим сифатига таъсир кўрсатадиган ҳужжатларни танқидий кўриб чиқиш ва тегишли қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш лозим.

Адабиётлар:

1. Акрамов М.Р. Психолого-педагогические особенности экологического образования //The Way of Science. – 2014. – С. 78.

2. Акрамов М. Р. et al. Шахс касбий йўналганлиги ривожланишида масъулиятлиликнинг ахамияти //Молодой ученый. – 2021. – №. 11. – С. 259-261.
3. Акрамов М.Р. Конфликт и его социально-психологические свойства //Молодой ученый. – 2021. – №. 6. – С. 293-295.
4. Акрамов М. Р. ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОЗНАНИЕ КАК ПРЕДМЕТ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ //Научная платформа: дискуссия и полемика. – 2020. – С. 30-32.
5. Rustamovich A.M. The moral consciousness dynamics of students is the position in the process of high education //European journal of education and applied psychology. – 2016. – №. 1.
6. Arkamov M.R. THE ETHICAL AWARENESS BEHAVIOR OF STUDENTS DURING HIGHER EDUCATION (IN THE CONDITION OF UZBEKISTAN) //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2016. – Т. 4. – №. 10.
7. Акрамов М.Р. ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ ПО ВА ЯСВИНУ //SCIENCE AND WORLD. – 2013. – С. 117.
8. Назаров А. С. Принятие управленческих решений как основная функция современного менеджера //Вопросы экономики и управления. – 2020. – №. 2. – С. 1-5.
9. Nazarov A. S. Psychological foundations of managerial decision-making //Молодой ученый. – 2021. – №. 3. – С. 46-48.
10. Назаров А. С. THE PSYCHOLOGY OF DECISION-MAKING STRATEGIES //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – №. 1-7. – С. 79-82.
11. Назаров А. С. и др. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗРАБОТКИ И РЕАЛИЗАЦИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – №. 2-9. – С. 31-35.